

22 март 1939 йил №1. Термиз Типография, Илғор Сурхон учун.

26. “Илғор Сурхон учун” газетаси, 1937 йил 16 январь.

27. Газета “Правда Востока”, 1936 год, 18 февраля.

28. Газета “Правда Востока”, 1932 год, 24 декабря.

ЗАМОНАВИЙ ТОШКЕНТ ШАҲРИ МАҲАЛЛАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ТАСНИФИ (ТАРИХИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ДЕМОГРАФИК ТАҲЛИЛ)

Наргиза Шоназарова,

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада Тошкент шаҳри маҳаллаларининг умумий тавсифи ва таснифи ёритилган бўлиб, унда маҳаллаларнинг жойлашув хусусиятлари, ижтимоий-демографик, этнодемографик, этноижтимоий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аҳолининг ҳўжалик фаолияти ва аҳолисининг турмуш тарзининг айрим этнолокал хусусиятлари баён қилинган. Унда шунингдек, маҳаллаларнинг туманлар кесимидаги сони, умумий тавсифи ҳамда маҳалла раисларининг маълумотлилик даражаси ҳам ёритилган.

Калит сўзлар: Тошкент шаҳри, пойтахт, маҳалла, фуқаролар йиғини, туман, даҳа, аҳоли, аҳоли сони, раис, оқсоқол, турмуш тарзи, этнодемографик тавсиф, ижтимоий-иқтисодий ҳолат.

Аннотация. В статье дана общая характеристика и сведения о махаллях г. Ташкента, описаны особенности расположения, социально-демографический, этнодемографический, этносоциальный и социально-экономический статус махаллей, хозяйственная деятельность населения и некоторые этнолокальные особенности образа жизни населения. В нём также описаны количество махаллей в районах, их общее описание и уровень образования председателей махаллей.

Ключевые слова: город Ташкент, столица, махалля, сход граждан, район, даха, население, количество населения, председатель, аксакал, образ жизни, этнодемографическая характеристика, социально-экономическое положение.

Annotation. The article gives a general description and information about mahallas in Tashkent, describes the features of the location, socio-demographic, ethno-demographic, ethno-social and socio-economic status of mahallas, economic activities of the population and some ethno-local features of the lifestyle of the population. It also describes the number of mahallas in the districts, their general description and the level of education of the mahalla chairmen.

Key words: Tashkent city, capital, mahalla, gathering of citizens, district, dakha, population, population, chairman, aksakal, way of life, ethno-demographic characteristics, socio-economic status.

Тошкент - Ўзбекистоннинг пойтахти, йирик саноат, фан ва маданият маркази, Марказий Осиёдаги улкан мегаполисдир. Мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 30% га яқини пойтахт Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Мустақиллик йилларида бошқа шаҳарларда бўлгани каби Тошкент шаҳри маҳаллалари ҳам ривожланиб, аҳоли сони ошиб, улар турмуш тарзида муайян ўзгаришлар содир бўлди. Ушбу даврда Тошкент шаҳри маҳаллалари маълум ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-демографик ҳамда этник омиллар таъсирида ривожланди.

Агар тарихий рақамларга эътибор қаратилса, XX асрнинг 90-йиллари бошида Ўзбекистонда 11 мингга яқин маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритган бўлса, Тошкент шаҳрида 450 га яқин маҳаллалар рўйхатга олинган[1;Б.34]. Тарихий нуқтаи

назардан биз шаҳардаги маҳаллаларнинг ўзига хос табиий-географик жойлашуви, этнохудудий хусусияти, аҳолининг этник таркиби, турмуш тарзи, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи каби ҳолатларни инобатга олиб, маҳаллаларни бир қанча тоифаларга ажратдик. Яъни, илмий кузатишлар ва олиб борилган тадқиқот натижалари асосида маҳаллалар қуйидаги икки тоифага ажратилди. Булар қуйидагилар:

1) Анъанавий маҳаллалар.

2) Янги квартал (мавзе) ларда ташкил топган маҳаллалар.

Шу билан бирга маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий, этнодемографик ҳолати, жойлашув хусусиятлари, аҳолининг турмуш тарзидан келиб чиқиб яна бир қанча тоифаларга ажратилди. Улар қуйидагилар:

а) асосан маҳаллий аҳоли истиқомат қиладиган анъанавий маҳаллалар;

б) аралаш миллатлар истиқомат қиладиган янги маҳаллалар;

в) бир ҳил соҳа ва касб вакиллари истиқомат қиладиган мавзелардаги маҳаллалар;

г) асосан янги турар-жойлар ҳудудидаги ёш оилалар истиқомат қиладиган мавзе маҳаллаларига тақсимланади[9]. Юқорида қайд этилганидек, турли миллатлар истиқомат қиладиган, этник аралаш маҳаллалар шаҳарнинг Миробод, Юнусобод, Сирғали, Яккасарой, Мирзо Улуғбек, Чилонзор туманларида кўпроқ учрашини кўришимиз мумкин. Ана шундай маҳаллалар қаторига Сирғали туманидаги маҳаллаларни ҳам киритишимиз мумкин. Бу ерда 2011йилги маълумотларга кўра 150 минг киши истиқомат қилиб, асосан, ўзбеклар (46%) ва руслар (42%), шунингдек, корейс, татар ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшаган[6;Б.59].

Биз шу ўринда юқоридаги омиллар асосида Тошкент шаҳри маҳаллаларини катта-кичиклиги, аҳоли сони ва ижтимоий тавсифидан келиб чиқиб ижтимоий-демографик тавсифига кўра қуйидаги тоифаларга ажратишни лозим топдик:

- Кичик маҳаллалар – 1500-2000 киши;
- Ўрта маҳаллалар – 2000-3000 киши;
- Катта маҳаллалар – 3000-7000 киши;

• Йирик маҳаллалар – 7000 кишидан зиёд[9].

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига қараганда, Тошкент шаҳрида маҳаллалар аҳолисининг жойлашувида шаҳар чегарасида жойлашган маҳаллаларнинг ўрни анчагина сезиларли. Улар сони шаҳар ташқарисидан айрим ҳудудларнинг қўшилиши натижасида кенгайиб, аҳолиси ҳам ортиб борган (Бундай маҳаллалар асосан “Бектемир”, “Сирғали”, “Олмазор”, “Юнусобод”, “Яшнобод” туманларида учрайди). Бундай ўзига хослик Ўзбекистоннинг бошқа йирик шаҳарларида кам учрайдиган ҳолатдир.

Агар тарихий рақамларга мурожаат этилса, 1992 йилда Тошкент шаҳрида 279 маҳалла фаолият кўрсатган бўлса, 1995 йилда уларнинг сони янги, кўп қаватли уйлар ҳудудида ташкил этилган маҳалалар ҳисобига анча ортганлигини кўриш мумкин. Ваҳоланки, Тошкент шаҳрида бугунги кунга келиб маҳалалар сони 493 тага етган эди[6;Б.17]. Бугунги кунда (2022 йилгача) Тошкент шаҳрида 524 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, ушбу маҳаллаларга 645985 та хонадон ва 820333 та оилалар бириктирилган. 2012 йилдан сўнг Ўзбекистон пойтахти маҳаллаларининг ташқи тузилиши, архитектурасида ҳам ўзгаришлар юз бериб, шаҳар ҳудуди 256 кв.кмдан 334,98 кв. км.га кенгайди. Шаҳар чегарасининг умумий узунлиги - 153,6 км.ни ташкил қилади[6;Б.3-4].

Агарда шаҳарда жойлашган ҳар бир тумандаги даҳалар ва маҳаллалар кўрсаткичларига эътибор қаратилса, улар ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, Юнусобод тумани 2 та даҳа ва 22 та мавзегга, Сирғали тумани эса, 17 даҳа ва 17 та мавзегга, Олмазор тумани 2 та йирик даҳа – “Қорақамиш” ва “Тансиқбоев” даҳалари ва рақамланган яшаш ҳудудларига (“Қорақамиш -1”, “Қорақамиш -2” ва х.к.) бўлинган. Даҳалар ўз навбатида кичик даҳаларга ҳам бўлинган. Хусусан, “Қорақамиш ва “Тансиқбоев” даҳаларининг ҳар бирининг таркибида 4 тадан кичик даҳалар бор. Тошкент шаҳри таркибида туманлар таркибига кирувчи 6 та кичик шаҳарчалар мавжуд. Булар Олмазор тумани

таркибидаги “Талабалар” ва “Шифокорлар” шаҳарчалари, Сирғали тумани таркибидаги “Учувчилар” шаҳарчаси, Мирзо Улугбек туманидаги “Академиклар” шаҳарчаси, Яшнобод тумани таркибидаги “Авиасозлар” ва “Ҳарбийлар” шаҳарчалари бўлиб, уларда алоҳида маҳаллалар фаолият юритади. Мазкур шаҳарчалар алоҳида маъмурий ҳудудий бошқарувга эга бўлмай, туман ҳокимликлари томонидан бошқарилади. Бу ерда компакт жойлашган уй-жой, маҳаллалар комплекси ҳисобланади[7;Б.24-25].

Тошкент шаҳрида янги ташкил этилган маҳаллалар Мирзо Улугбек тумани таркибига кирувчи ва шаҳардан 14 км ташқарида жойлашган “Улугбек” шаҳарчасида ҳам ташкил этилган бўлиб, бу ерда ЎзР ФА Ядро физикаси институти ва унинг ходимлари учун шарт-шароитлар яратилган бўлиб, уларнинг оилалари учун мактаб, боғчалар, маданият уйи, кинотетар, спорт иншооти ва бошқалар фаолият юритади[7;Б.24].

Шаҳар маҳаллаларига умумий тавсиф берар эканмиз, таҳлилларга кўра 2017 йилгача Тошкент шаҳридаги мавжуд туманлардаги маҳаллалар сонига эътибор қаратилса, шаҳарда 476 та маҳалла, яъни ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд бўлган. Булар Олмазор туманида 57 та, Юнусобод туманида 57 та, Яшнобод туманида 54 та, Учтепа туманида 52 та, Чилонзор туманида 48 та, Шайхонтохур туманида 48 та, Миробод туманида 39 та, Сирғали туманида 32 та, Яккасарой туманида 27 та, Бектемир туманидаги 12 та маҳаллалардир[7;Б.24].

Янада кенгроқ тарихий таҳлил қиладиган бўлсак, агар Тошкент маҳаллаларининг мустақиллик йилларидаги шаклланиши ва эволюциясига эътибор қаратилса, шаҳар ҳокимининг 1992 йил 19 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси “Маҳалла” хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимини ташкил қилиш ҳақида” ги қарорига асосан Тошкент шаҳар бўлимини ташкил қилиш шаҳар конференцияси бўлиб ўтди. Унда 29 кишидан иборат бошқарув аъзолари, тафтиш комиссияси ҳамда шаҳар бўлими бошқарувининг раиси сайланди. Шаҳар ҳокимининг 1993 йил 4 октябрдаги

“Ўзбекистон Республикасининг ўзини ўзи бошқариш идоралари тўғрисида” ги қонунини амалга ошириш бўйича ташкилий-техник тадбирларга доир қарори қабул қилинди. Унда мазкур қонунни амалга ошириш бўйича ташкилий-техник тадбирлар режаси ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва оқсоқолларни сайлашни ташкил этиш тартиби тасдиқланди. 1993 йил 22 октябрдаги 201/1 сонли қарорига асосан Тошкент шаҳрида ўзини ўзи бошқариш органлари (фуқаролар йиғини) ҳудудлари ташкил этилди. Ҳокимнинг 1993 йил 13 декабрдаги “Тошкент шаҳрида йиғинлар раислари сайловларини ўтказиш яқунлари тўғрисида” ги қонуни қабул қилинган эди[5;Б.18].

Унда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги қонунига мувофиқ Тошкент шаҳрида фуқаролар йиғинларини ташкил этиш, раислар ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлашга доир ишлар охирига етказилди. Фуқароларнинг, туман ҳокимларининг таклифлари ҳисобга олиниб, Тошкент шаҳрида жами 470 маҳалла йиғини ташкил қилиниб, уларда 470 та раис (оқсоқол), 5327 нафар маслаҳатчилар фаолият юритган. Оқсоқолларнинг 95,5 фоизи туб миллатга мансуб бўлиб, 46 фоизи 61 ва ундан юқори ёшдаги ўзини босиб олган, вазмин, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, маҳалла аҳолисининг иззат-ҳурматини қозонган, обрўли кишилардир. Уларнинг билимлари ҳам юқори, маълумотига кўра 65 фоизи олий маълумотга, 15,5 фоизи ўрта-техник маълумотга эга. Аксарият оқсоқоллар халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш ходимларидан иборатдир[5;Б.18].

Мустақиллик йилларида маҳалла бошқарувини ривожлантиришда махсус ишлаб чиқилган “Маҳалла” дастури ҳам катта ҳисса қўшди. Ушбу дастур 1991 йилнинг 21 июнида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг 116/6-XXI сонли қарори асосида 5 йилга мўлжалланиб тасдиқланган. Шаҳар бош бошқармалари, трестлар, бўлимлар, туман ҳокимликлари “Маҳалла” дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга астойдил ҳаракат

қилишган эди. Ўтган йиллар мобайнида “Сувсоз” трести томонидан 101,2 километр узунликдаги ичимлик суви, 347,1 километр оқава суви кетадиган тармоқлар ишга туширилган. “Тошгаз” Бош бошқармаси томонидан 420,6 километрга яқин узунликдаги газ тармоқлари қурилиб, фойдаланишга топширилган эди.

Азалдан Тошкент шаҳри маҳаллаларида аҳоли турмуш тарзида маҳаллаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида табиий, иқтисодий ҳамда ижтимоий омиллар муҳим рол ўйнаган. Зеро, шаҳар маҳаллаларининг шаклланиши ва ривожланишининг асосини иқтисодиёт тармоқлари орасида асосан хизмат кўрсатиш, саноат, савдо ва қисман ҳунармандчилик, шаҳар марказидаги маҳаллаларида эса майда ишлаб чиқариш ва кичик саноат турлари ташкил қилади. Бу жиҳатдан биз Тошкент шаҳри маҳаллаларини қуйидаги беш тоифага бўлишни лозим топдик:

- аҳолисининг асосий қисми кичик ишлаб чиқариш ва айрим майда саноат ишлаб чиқариш билан шуғилланувчи маҳаллалар;

- аҳолисининг асосий қисми тадбиркорлик ва кичик ишлаб чиқариш тармоқлари билан шуғулланувчи маҳаллалар;

- аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик билан шуғулланувчи маҳаллалар;

- аралаш маҳаллалар.

Замонавий Тошкент шаҳри маҳаллаларининг ўзига хос хусусияти шундаки, маҳаллаларнинг барчасида савдо, тижорат, сервис, қурилиш турлари жадал ривожланган. Тадбиркорлик ва саноат ишлаб чиқариши кенгроқ тарқалган маҳаллаларнинг махсулот етиштириш ҳолати ҳам ҳар хил бўлган. Нисбатан катта маҳаллалар саноат корхоналари зич жойлашган ва ушбу соҳалар ривожланган шаҳар туманларида вужудга келган бўлиб, улар шаҳарнинг асосан Шайхонтахур, Чилонзор, Миробод, Яксарой, Мирзо Улуғбек туманлари ҳудудида жойлашганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Шаҳар маҳаллаларида мустақиллик

йилларида ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам тез суръатлар билан олиб борилди. Бу борада Акмал Икромов туманида 2 та 2512 ўринли мактаб, Собир Раҳимов туманида 1266 ўринли 1 та мактаб, 123-мактабга 640 ўринли қўшимча хоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу даврда кўплаб жажжи ўғил-қизлар ойнавандли, ёруғ, қулай боғчалар соҳиби бўлишди. Акмал Икромов туманида 2 та 280 ўринли болалар боғчаси, Собир Раҳимов туманида 330 ўринли 2 та болалар боғчаси, Яксарой туманида 1 та 140 ўринли болалар боғчаси қурилди. Яксарой туманида 3 та маҳалла маркази – гузар қурилиб, ишга топширилди. Шунингдек, Шайхонтахур туманида 450 нафар беморни қабул қиладиган касалхона, тиш даволаш шифохонаси ва 1 та ўқув биноси бунёд этилган эди[5;Б.18].

Шу ўринда шаҳар маҳаллалари умумий тавсифида уларнинг номланиши ва топонимикаси борасида ҳам айрим таҳлилий маълумотларни келтириш мумкин. Бу борада Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссия ташкил этилган эди. Комиссияга 2004 йил охирига қадар тегишли ҳудудлардаги жой номларини қайта кўриб чиқиш, халқимиз тарихи ва анъаналари билан боғлиқ бўлмаган жой номларини ўзгартириш юзасидан Республика топонимик комиссиясига таклифлар киритиш талаблари қўйилган.

Бу борада Х. Бўриеванинг қайд этишича, мазкур йилларда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг талабларини бажариш мақсадида, Тошкент шаҳар маҳаллаларида топонимик объектларни тартибга солиш ишлари жадаллаштирилиб, кейинги ўн беш йиллик давр мобайнида, яъни 1993–2007 йилларда жами 207 та маҳалла номи ўзгартирилган[4;Б.88].

Номлари ўзгартирилган ва янги ташкил топган маҳаллалар номларини маъносига кўра таҳлилидан аниқ бўлишича, улар таркибида

қуйидаги топонимик гуруҳлар мавжуд: антропотопонимлар – 63 та, табиат билан боғлиқ номлар – 50 та, маданий-маънавий ҳаётни акс этирувчи топонимлар – 38 та, ижтимоий-иқтисодий соҳалар билан боғлиқ топонимлар – 21 та, тарихий воқеа ва жойлар билан аталган номлар – 20 та, географик жойларнинг номланишига атаб қўйилган топонимлар – 6 та, этнотопонимлар – 6 та, шарқ исмлари билан аталган маҳалла номлари – 3 та. Ушбу гуруҳларни Мустақилликнинг дастлабки йилларида қўйилган маҳалла номлари билан солиштирса, кейинги даврда шахс исмларига атаб қўйилган номлар салмоғи табиат билан боғлиқ маҳалла номларига нисбатан камроқ қўйилгани, маданият, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни акс эттирувчи, шунингдек, тарихийлик билан боғлиқ номлар гуруҳлари салмоғи деярли ўзгармагани, бироқ ушбу йилларда географик жойлар, халқ, қабила номлари ва исмлар билан аталган маҳалла номлари қўшилгани кузатилади[4;Б.88].

Шаҳарда бир хил номда учрайдиган маҳаллалар номларига эътибор қаратилса, ушбу даврда маҳаллалар катталашиб бир нечта қисмга бўлиниши ёки, аксинча бир нечта маҳалла бирлашиши натижасида юзага келган янги маҳаллаларнинг номларини қўйишда тегишли идоралар эски маҳаллаларнинг номлари аҳамиятини эътибордан четда қолдирмаганлари, шунингдек, маҳалла номининг халқ талаффузида қулай бўлиши ҳамда ҳудуднинг тарихи ва табиатидаги ўзига хосликлар, ҳатто ён-атрофдаги маҳаллаларнинг номланишига ҳам аҳамият берганликларини эътироф этиш мумкин. Аммо, баъзи ҳолларда, шаҳар ҳудудида бир хил номли маҳалалар, яъни қайта такрорланувчи (хар хил туманларда бўлса-да) ҳамон сақланиб қолгани кузатилади. Хусусан, “Истикбол” номли маҳаллалар Бектемир ҳамда Олмазор туманларида, “Гулистон” маҳалласи, Сирғали, Чилонзор ҳамда Юнусобод туманларида, “Оқибат” маҳаллалари, “Мирзо Улуғбек ҳамда Сирғали туманларида “Новза” номли маҳалла, Чилонзор ҳамда Шайхонтоҳур туманларида, “Янгиобод” деб аталувчи маҳаллалар, Шайхонтоҳур,

Юнусобод ҳамда Ҳамза туманида, “Тинчлик” номли маҳаллалар Шайхонтоҳур ҳамда Юнусобод туманларида учраган (2006 йилгача бўлган маълумот)[4;Б.90].

Яъни, бир хил номдаги маҳалла номларини ўзгартириш ишлари якунига етказилмаганлигини айрим муаммолар қаторида келтириш мумкин. Аммо вақт ўтиши билан ушбу масалалар шаҳар ва туман ҳокимликларида кўриб чиқилгач, бундай ҳолатларнинг олдини олинганлиги эътиборга моликдир. Бунга биз маҳаллаларда олиб борган ижтимоий сўровлар жараёнида яна бир бор гувоҳ бўлдик. Натижада бир-бирини қайта такрорловчи маҳаллалар номлари олиб ташланиб, улар ўрнида янгича номдаги маҳаллалар пайдо бўлди (Масалан, Бектемир туманида “Истикбол”, Мирзо-Улуғбек туманида “Буюк ипак йули”, “Гулсанам”, “Султония”, “Подшобоғ, Минглола, “Асака”, Миробод туманида “Заминабод, “Баёт”, “Юксалиш”, “Банокатий”, “Зиёнуър”, “Фаровон” Олмазор туманида “Орзу”, “Бўстонобод”, Сирғали туманида “Жўнариқ”, “Соҳибқирон”, “Дарёбўйи”, “Зийнат”, “Мададкор”, “Шукрона” ва х.к)[9].

Шу билан бирга халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг қарори билан қайта номлан маҳаллалардаги 500 дан ортиқ кўча ва жой номлари ҳам ўзгартирилган. Қарор билан номсиз бўлган 281 та кўчаларга янги номлар қўйилган. Шунингдек, 20 та такрорланган кўча номлари қайта номланган, 1 та қонунчиликка зид ном (Локомотив линияси номли кўча) “Меҳридил” деб ўзгартирилган[9]. Географик жойлашуви қайта кўриб чиқилиши натижасида номи ўзгарган (Тошкент шаҳрига қўшиб олинган) 228 та маҳаллалар қайта номланди. Географик жойлашувига аниқлик киритилаётган 21 та (Бектемирда 14 та, Сирғалида 2 та, Яшнободда 5 та) ҳудуд ўз номини сақлаб қолган[8].

Кейинги йилларда Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг ўсиши ва ҳудудининг кенгайиб бориши натижасида маҳаллалар сони ҳам ортиб бормокда. Айрим интернет маълумотларига кўра 2019 йилда уларнинг

сони 508 тага етади. Жумладан, пойтахтнинг Яшнобод туманида 1 та ва Сирғали туманида 2 та маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилди[3;Б.34-35]. 2020 йилда Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарорига асосан Ўртачирчиқ туманидаги “Жалоир”, “Гулзор”, “Хўжаучкун” Янгийўл туманидаги “Чортоқ”, Зангиота туманидаги “Тошкент” маҳаллалари Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани таркибига ўтказилган[10].

2022 йил 2 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги қонунига кўра “Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шохкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) айрим одамларнинг, жамоат арбоблари, сиёсий арбобларнинг исми-шарифини беришга, қоида тарикасида, йўл қўйилмайди, бундан Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахслар мустасно” дир дейилган[2]. Унга мувофиқ шаҳардаги бир қанча айрим одамларнинг, жамоат арбобларининг, сиёсий арбоблар номи билан аталувчи маҳаллалар номлари олиб ташланди (буларга “Ҳамза”, “Собир Рахимов”, “Шотурсун Ғуломов” ва б мисол қилиш мумкин) ва улар янгича номлар билан аталди[9].

Янги Конституциянинг 127-моддасига кўра шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар раисни сайлайди, дея кўрсатилган[1]. Шубҳасиз бу, Янги Ўзбекистонда кейинги йилларда улкан ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий

ислохотлар амалга оширилаётган бир шароитда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳам муҳим роль ўйнаётган кезларда янги тахрирдаги Конституцияси маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида янги даврни бошлаб берилади, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент шаҳри маҳаллаларининг ўзига хос географик жойлашуви, этнохудудий хусусияти, аҳоли ўзига хос турмуш тарзига эга бўлганлиги, бу ерда истиқомат қиляётган кишиларнинг турли миллатга ёки бир миллатга, касб-ҳунарга мансублигига асосланиб, маҳалларн тоифаларга ажратилганлиги ва шу асосда илмий тадқиқотда маҳаллалар бир қанча тоифаларга бўлиб таҳлил қилинди. Яъни, уларни маҳаллаларнинг ижтимоий-демографик тавсифи, катта-кичиклиги бўйича гуруҳларга ажратиб, таҳлил қилинди.

Тошкент шаҳрида маҳаллалар аҳолисининг жойлашувида шаҳар чегарасида жойлашган маҳаллаларнинг ўрни, улар сони шаҳар ташқарисидан айрим худудларнинг қўшилиши натижасида кенгайиб, аҳолиси ҳам ортиб борганлигини кўрсатди. Кейинги йилларда Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг ўсиши ва худудларнинг кенгайиб бориши натижасида маҳаллалар сони ҳам ортиб борганлигини, улар хўжалиги, ишлаб чиқариши, топонимик ва аҳолининг ижтимоий-демографик хусусиятлари билан ажралиб туришини тасдиқлади. Тошкент шаҳри маҳаллаларидаги оқсоқолларнинг фаолият ҳам маълум ижтимоий жиҳатлар, хусусан оқсоқолларнинг маълумотлилик ҳамда фаоллик даражаси каби омиллар билан боғлиқлигини тасдиқлади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2023. 127-модда.
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.11.2022 й., 03/22/799/0986-сон.
3. Бобожонов И. Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялаш жараёнида маҳалла институтининг роли (Тошкент шаҳри маҳаллалари мисолида. 1991-2019 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа докт. (Phd) дисс.-Т. 2021. –Б. 34-35.
4. Бўриева Х. Тошкент маҳаллалари: ўтмишда ва бугун. // Ўзбекистон маҳаллалари: тарих ва ҳозирги замон. Монография. Т., 2021.-Б. 88-90.
5. Жалилов Ш. Маҳалла янгиланиш даврида. Т., 1995. 18 бет.
6. Тошкент маҳаллалари (Маълумотнома). Т. 2011.-Б. 3-4, 17, 59.

7. Зияева Д.Х. Тошкент шахрининг тарихий обидалари ва замонавий тузилиши. // Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. (8-китоб. Тўплам) Т. 2016.-Б. 24-25.

8. Маълумотлар муаллифнинг шаҳар маҳаллаларида олиб борган изланишлари жараёнида тўпланган.

9. Маълумотлар Тошкент шаҳри ҳокимлигида олиб борилган суҳбатлар жараёнида олинди.

10. Маҳаллаларни бундай таснифлаш муаллифнинг Тошкент шаҳри маҳаллаларида олиб борган тадқиқотлари жараёнида амалга оширилди.

11. <https://lex.uz/docs/5094720>.

МЎҒУЛ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН МОВАРОУННАХР ШАҲАРЛАРИ ЭҒАЛЛАНИШИ

Қаюмов Алишер Тожиевич,
Термиз давлат университети эркин тадқиқотчиси

Аннотация: Тарихчи олимлар томонидан Чингизхон империясининг босқинчилик ҳаракати Мавороуннахр аҳолиси ҳаётига салбий таъсир кўрсатган оқибатлари, унинг натижалар ҳамда ўзбек элатини ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига, тил ва адабий муҳитига жиддий кучли зарба берганлигини таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Чингизхон, Хоразмшоҳ, Иналчукхон, Ўтрор эгалланиши, савдо карвони, босқинчилик ҳаракатлари, баржа, оммавий қатл.

Аннотация: Историки проанализировали последствия вторжения империи Чингисхана, которое оказало негативное влияние на жизнь жителей Маворуннахра, его результаты, а также то, что оно оказало серьезное влияние на социально-экономическую и культурную жизнь, языковая и литературная среда узбекского народа.

Ключевые слова: Чингисхан, Хорезмшах, Иналчук-хан, оккупация Ўтрора, торговый караван, вторжение, баржа, массовый расстрел.

Abstract: Historians have analyzed the consequences of the invasion of Genghis Khan's empire that had a negative impact on the lives of the people of Mavorunnahr, its results and the fact that it had a serious impact on the socio-economic and cultural life, language and literary environment of the Uzbek population.

Key words: Genghis Khan, Khorezm Shah, Inalchuk Khan, occupation of O'tror, trade caravan, invasion efforts, barge, mass execution.

Чингизхон томонидан Ўрта Осиёга жўнатилган савдо карвони[1] билан элчиларидан фақат битта элчи Ўтрор шаҳаридан омон қочиб қутилади. Ўтрор ҳокими Ғайирхон (Иналчиқхон) томонидан карвон (Ғайир –хон – тюркский вариант арабского слово Кадир-хан (“Могущественный хан”) томонидан талон-тарож қилиниб, ҳамма оммавий қатл этилганлигидан хабардор бўлган Чингизхон ғазаб отига минади.

Иналчукхон (Ғойирхон) Муҳаммад Хоразмшоҳнинг[2;С.60-61] талаби биланми, ё ўз истаги биланми бу қатлни амалга оширди. Бу саволга жавобни ўша даврнинг замондош тарихчиси Нисавидан топамиз: яъни “Иналчукхон, Хоразмшоҳнинг тоғасининг ўғли бўлиб”, (Со стороны матери Теркен-хатун) у Ўтрорда Муҳаммад Оловиддиннинг энг ишончли вакили эди. Иналчукхон ихтиёрида 20 минг отлик кўшин бўлиб, жуда ҳам разил пасткаш инсон сифатида манбаларда баён этилади. У худудидан ўтган савдо карвонларига хужум қилиб, ундаги бой маҳсулотларга эгалик қилиш жону дили бўлган.

Иналчукхон, Хоразмшоҳ Султонга ёлғон билан суғорилган хат юборади, у ушбу